

2021 йил 12-ноябр

“Ўзкимёсаноатлойиҳа” АЖ фахрийлари доимо эътиборда ва эъзозда



“Ўзкимёсаноатлойиҳа” акциядорлик жамиятида узоқ йиллар самарали фаолият юритган фахрийлар доимо эътиборда ва эъзозда. Институт фахрийлари бўлган муҳтож, касалманд, ёлғиз ва ишсиз нафақахўрларга ижтимоий кўмак берилди. Махсус озиқ-овқат пакетлари

шаклантирилиб, жамиятнинг 15 нафар фахрийсига ушбу пакетлар тақдим этилди ҳамда уларнинг яшаш жойларига олиб бориб берилди.

Фахрийлар кекса авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун институт раҳбариятига самимий миннатдорчиликларини билдирдилар. Айниқса, ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги учун кўмакка муҳтож бўлган ишсиз нафақахўрларга алоҳида эътибор кўрсатилди.

Энг керакли пайтда уларга ёрдам қўлини чўзиб, самимий эътибор кўрсатилганлиги фахрийлар эътирофига сабаб бўлди.





source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoatloyiha-faxriylar>